Анна Асанова Нукусда туғилган, шу ерда ўсиб улғайган. Беш йил аввал у журналистикага меҳр қўйган эди ва қалбидан жой олган бу туйғудан ҳеч ҳам ачинмайди. Анна ўзи ҳақида шундай дейди: «Журналистикадаги фаолиятимни бошлаганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бунинг учун энг яқин ва мен учун энг азиз бўлган устозимдан миннатдорман. Мен ўз ишимни, ҳаётни севаман. Ўлкамиз, очиқ кўнгил ва меҳмондўст одамларимизни, ўз яқинларимни яхши кўраман. Мен ҳаётни келажакка бўлган ишончсиз, орзу-умидларсиз ва муҳаббатсиз тасаввур қила олмайман». Келажакка буткул ишонадиган, ҳаётимизда ҳамма нарса ўз қўлимизда эканига амин бўлган Анна Асанова ўзини бахтли аёл, деб ҳисоблайди.

Нилуфар Собирова

Нилуфар Собировой – двадцать девять лет, писать она начала в студенческие годы. Затем, как признается Нилуфар, пришла любовь, замужество и она начала писать стихи. Три года назад Нилуфар поступила заочно на факультет Международной журналистики в УЗГУМЯ. «Обычно пишу то, что у меня в душе и для души. Иногда трудно совмещать работу с творчеством, но тем не менее стараюсь находить время творить. Хотя пока нигде не публиковалась, в будущем надеюсь, что моё сокровенное желание написать книгу о людях, о другой стороне их жизни, и о многом другом сбудется. Очень люблю жизнь и всё прекрасное, что в ней есть», – признается Нилуфар Собирова.



Нилуфар Собирова йигирма тўққиз ёшда. Талабалик йилларида буён ижод қилади. Ўзининг айтишича, орзусидаги ёрини учратиб турмуш қурганидан сўнг, шеърлар ёзишни бошлаган. Нилуфар уч йил олдин Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига сиртдан ўқишга кирди. «Одатда, қалбимда кечадиган нарсаларни қоғозга тушираман. Баъзида ҳам ишлаш, ҳам ижод қилиш кишини





чарчатади, лекин ижод билан шуғулланиш учун вақт топишга ҳаракат қиламан. Гарчи, шеърларим ҳозирча ҳеч қаерда чоп этилмаган бўлса-да, келажақда одамлар, уларнинг ҳаёти ва бошқа қизиқарли нарсалар ҳақида китоб ёзиш борасидаги орзуим албатта амалга ошишига ишонаман. Ҳаётни, ундаги мавжуд гўзалликларни яхши кўраман», дейди Нилуфар Собирова.

Шоира Нусратова

Шоира Нусратова родилась в Кашкадарьинской области, окончила Каршинский государственный педагогический университет, сейчас учится заочно на четвертом курсе факультета журналистики института культуры имени Манона Уйгура. Работает редактором на телестудии «Element Freym». Любит узбекскую литературу, публикуется в газетах «Нихол» и «Миллий тикланиш», пробует себя в тележурналистике. «Я нашла свое место под солнцем. И как бы банально это ни звучало, счастье – это любимая работа и крепкая семья. Все это у меня есть, а значит, я могу назвать себя счастливой», – говорит Шоира Нусратова.



Шоира Нусратова Қашқадарё вилоятида туғилган. Қарши давлат педагогика университетини тамомлаган. Ҳозир Маннон Уйғур номидаги маданият институти журналистика факультетининг тўртинчи курсида сиртдан ўқийди. «Element Freym» телестудиясида муҳаррир бўлиб ишлайди. Ўзбек адабиёти шайдоси, мақолалари «Нихол» ва «Миллий тикланиш» газеталарида мунтазам чоп этилади. Аини пайтда ўзини тележурналистикада синаб кўрмоқда. «Мен ҳаётда ўз ўрнимни топдим. Севган касби билан шуғулланадиган ва оиласи мустаҳкам аёлни бахтли, деб ҳисоблайман. Мен буларнинг барчасига эгаман, демак ўзимни бахтли аёл дейишим мумкин», дейди Шоира Нусратова.

Эльвира Халиуллина

Эльвира Халиуллина – пишет о культурной жизни столицы, она – корреспондент республиканской газеты «Народное слово». В журналистику пришла недавно, но уже заявила о себе как талантливый публицист. Человек открытый и жизнерадостный, она видит мир цветным. Верит только в хорошее и в то, что мир спасут красота, любовь и доброта. Об этом она и рассказывает в своих прекрасных публикациях.



Эльвира Халиуллина пойтахтимиз маданият ҳаёти ҳақида мақолалар ёзишга ихтисослашган. «Народное слово» газетасида мухбир бўлиб ишлайди. Журналистикага яқинда келганига қарамай, ўзини истеъдодли публицист сифатида намоён этди. Очиқ кўнгил ва хушчақчақ инсон, борлиқни турфа рангларда тасаввур қилади. Оламнинг устуни гўзаллик, муҳаббат ва эзгулик эканига ишонади. Бу ҳақда ўзининг ажойиб мақолаларида катта меҳр билан ёзади.

Елена Калинина

Елена Калинина, журналист газеты «Молодежь Узбекистана». «По совместительству» – студентка II курса магистратуры факультета журналистики Национального университета Узбекистана. Возраст – 23 года, из которых уже пять лет посвятила своей любимой «Молодежке». Пришла сюда несмелой девочкой-практиканткой, да так и осталась. Восторг от первой публикации помнит до сих пор: накупила газет в киосках и раздавала всем-всем-всем! Любит, как признается сама,





мучительные терзания перед экраном компьютера в поисках нужного выражения. Любит свежий выпуск своей газеты, еще пахнущий типографской краской. Елена Калинина – победительница республиканской и международной олимпиад по русскому языку, обладательница Гран-при в номинации «Печать» IV Молодежного информационного форума «Кольцо Евразии» (Москва, 2006 год).

Елена Калинина «Молодёжь Узбекистана» газетасида журналист бўлиб ишлаш билан бирга Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистратурасининг 2-курсида таҳсил олади. 23 ёшда. Газетада беш йилдан буён қалам тебратиб келади. Биринчи мақоласи чиққан кувончли кунни ханузгача яхши эслайди: ўшанда дўкондан бир талай газета сотиб олиб, ҳаммага тарқатиб чиққан. Ўзининг айтишича, компьютер қаршисида ўтириб, зарур ибораларни топиш учун тер тўкишни хуш кўради. Яна эндигина нашрдан чиққан ва ҳали босмохона бўёгининг ҳиди кетмаган «Молодёжь Узбекистана» газетасини ҳам яхши кўради. Елена Калинина рус тили бўйича республика ва халқаро олимпиада ғолибаси, «Евроосиё халқаси» IV-ёшлар ахборот форумининг (Москва, 2006 йил) «Матбуот» номинацияси Гран-при соҳибаси ҳисобланади.



Гулсал Камалова

Гулсал Камаловой – двадцать шесть. Она молода и полна сил и желания творить. Живет в древней и вечной молодой Бухаре. В журналистике – с 2001 года, начинала заниматься любимой работой на Бухарском телевидении «Истиклол».

Затем работала на радио, писала для Интернет – изданий. Гулсал считает, что главное в СМИ – это эффективность. А еще ее очень радует, что в журналистике сегодня очень много женщин.



Гулсал Камалова – йигирма олти ёшда. Ижод қилиш учун айни куч-ғайратга тўлган пайти. Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорода яшайди. Журналистика соҳасида 2001 йилдан буён қалам тебратади. Фаолиятини Бухородаги «Истиклол» телевидениесида бошлаган. Сўнгра радиода ишлади, Интернет-нашрлар учун мақолалар ёзди.

Гулсалнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларининг кучини белгилайдиган энг асосий омил – бу самарадорликдир. У бугунги кунда журналистикада кўплаб хотин-қизлар меҳнат қилаётганидан жуда хурсанд.

Клара Пирназарова

«Спешите делать добро» – жизненное кредо Клары Пирназаровой. Десятки людей благодаря ее газетным публикациям поверили в справедливость, в торжество доброты и силу любви. Клара Пирназарова верит в то, что у каждого из нас достаточно возможностей, чтобы сделать жизнь других светлее и радостнее, главным составляющим души были и остаются любовь и терпение. «Всегда с радостью иду на работу, ведь каждый день журналиста – это встречи, события, открытия. А это один из компонентов полноценной жизни» – считает Клара Пирназарова, с которой невозможно не согласиться.





Клара Пирназарова ҳаётда амал қилиб яшайдиган ҳикмат: «Яхшилиқ қил, дарёга ташла...» Ўнлаб одамлар у ёзган мақолалар туфайли адолат, эзгулик тантанаси ва муҳаббатнинг кучига ишонишди. Клара Пирназарованинг ҳар биримизда бошқаларнинг ҳаётини ёруғ ва қувончли қилиш учун имкониятлар етарлилиги, қалбимиздан меҳр-муҳаббат ва сабр-тоқат жой олганига ишончи комил. «Ишга ҳар доим хурсандчилик билан бораман. Негаки журналистнинг ҳар бир куни турфа учрашувлар, воқеалар, янгиликлар, кашфиётларсиз ўтмайди. Бу эса мукамал ҳаётнинг бир бўлагидир». Биз ҳам унинг фикрига қўшилаемиз.

Марина Низовцева

Марине Низовцевой двадцать три года. Стать журналистом решила еще в седьмом классе. Уже тогда помещала небольшие заметки из школьной жизни на страницах газеты «Солнышко» (ныне «Класс»). С отличием окончила Ташкентский техникум железнодорожного транспорта по специальности бухгалтерский учет, поняв, что жизнь должна быть связана с журналистикой. На факультет журналистики Национального Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека Марина поступила с первой попытки. «Всю “соль” журналистской профессии приходилось постигать на практике, которая началась с первого курса. Работала внештатным корреспондентом газет «Народное слово», «Вечерний Ташкент», еженедельника «Зеркало XXI». Больше года работала RG на столичной радиостанции «Сезам». А потом пришла в «Молодежку» – в штат. Вот уже более



трех лет я работаю, пожалуй, в самой лучшей редакции Узбекистана. Каждый день, каждое задание – это постоянная учеба, работа над собой», – так Марина Низовцева рассказывает о себе. Сегодня она студентка магистратуры факультета журналистики Национального Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Марина Низовцева йигирма уч ёшда. Еттинчи синфда ўқиб юрган кезларидаёқ журналист бўлишга аҳд қилган. Мактабда ўқиб юрган пайтида «Солнишко» (ҳозирги «Класс») газетаси саҳифаларида мактаб ҳаёти тўғрисида кичкина хабарлари чоп этилган. Тошкент темир йўл транспорти техникумини бухгалтерлик ҳисоби мутахассилиги бўйича аъло баҳолар билан тамомлаган. Кейинчалик ҳаётини журналистикасиз тасаввур қила олмаслигини англаб етиб, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига биринчи уринишдаёқ ўқишга кирган. «Журналист касбининг барча сир-асрорларини биринчи курсда амалиёт ўташ пайтидан бошлаб ўрганишимга тўғри келди, – дейди Марина Низовцева. – Дастлаб, «Народное слово», «Вечерний Ташкент» газеталари, «Зеркало XXI» ҳафтаномасида штатсиз мухбир, бир йилдан ортиқ «Сезам» пойтахт радиостанциясида ишладим. Сўнгра «Молодёжь Узбекистана» газетасига ишга ўтдим. Мана уч йилдирки, ушбу тахририятда меҳнат қиламан. Менимча, у – Ўзбекистондаги энг яхши тахририят. Ҳар бир кун, ҳар бир топшириқ мунтазам ўқиш, ўз устимда ишлашни талаб қилади». Ҳозир Марина Низовцева Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети магистратурасида таҳсил олмоқда.

Надежда Степанова

Свой профессиональный путь в журналистике Надежда Степанова начала еще студенткой. Работала литературным сотрудницей в районной газете (Быковский район Волгоградской области, Россия), редактором районного радиовещания, корреспондентом в многотиражной газете. С 1981 года проживает в Узбекистане. Работала в журнале «Кино», в редакции «Ахборот» радиовещания на зарубежные страны Узтелерадиокомпании, в Негосударственном информационном агентстве «Туркистон-пресс», ДХО «Uzreport». С декабря 2001 года по июнь 2005 года –





ассистент Проекта поддержки СМИ стран Центральной Азии швейцарской некоммерческой организации CIMERA, где занималась мониторингом нарушений прав журналистов по вопросам доступа к информации. В период с 2001 по 2005 годы принимала участие в международных конференциях по проблемам средств массовой информации стран Центральной Азии. Являлась одним из авторов книги «Выборы, власть, СМИ», вышедшей в Баку в 2004 году и посвященной вопросам роли и задачам журналистики в предвыборный период».



Надежда Степанова журналист сифатида ўз фаолиятини талабалик йилларидаёқ бошлаган. Туман газетасида (Россиянинг Волгоград вилояти, Биков тумани) адабий ходим, туман радиосида муҳаррир, кўп нусхали газетда муҳбир бўлиб ишлаган. Ўзбекистонда 1981 йилдан бўён яшайди. «Кино» журнали, Ўзтелерадиокомпаниянинг «Ахборот» таҳририяти хорижий мамлакатлар учун радиоэшиттиришлар бўлими, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги, «Uzreport»комда меҳнат қилган. 2001 йилнинг декабридан 2005 йилнинг июнигача Швейцариянинг CIMERA нотижорат ташкилотининг Марказий Осиё мамлакатлари оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш лойиҳасида ассистент бўлиб ишлаган. У лойиҳада ахборотдан фойдаланиш масалалари бўйича журналистлар ҳуқуқларининг ҳимояси мониторинги билан шуғулланган. 2001-2005 йилларда Марказий Осиё мамлакатлари оммавий ахборот воситалари муаммолари бўйича халқаро конференцияларда иштирок этган. 2004 йил Бокуда чоп этилган ва сайловолди кампаниясида журналистлар роли ҳамда вазифалари масалаларига бағишланган «Сайлов, ҳокимият, оммавий ахборот воситалари» китоби муаллифларидан бири.

Гулхумор Туйчиева

В стихах душа Гулхумор Туйчиевой раскрывается как утренний цветок. Все, о чем мечтается и думается, она старается передать в стихах, трогая сердца легкими, светлыми строками. Любит узбекскую поэзию и прозу, русских классиков. Преподаватель и публицист, она старается во всем дойти до самой сути, вникнуть в проблему, донести до читателя все самое главное. Ценит в людях искренность и честность, преданность долгу, честь и достоинство.



Гулхумор Тўйчиева ўз шеърларига жон-дилини беради, қалбининг туб-тубидаги орзу-ўйларини шеърлари орқали ифода этишга интилади. Ўзбек шеърляти ва насрини, мумтоз рус ёзувчи ва шоирлари асарларини астойдил мутолаа қилади. У ўқитувчи ва публицист сифатида муаммонинг туб моҳиятига етиш, уни очиқ бериш ҳамда ўқувчига етказишга ҳаракат қилади. Самимий ва ҳалол, ўз бурчига содиқ, яхши фазилатларга эга, орномусли инсонларни қадрлайди.

Клара Утепбергенова

Клара Утепбергенова родилась в городе Нукусе. По образованию микробиолог. Мать четверых детей. С 1998 года в общественном секторе. Четыре года работала в ННО «Перзент» координатором программ. Как говорит она сама, «прошла очень хорошую школу. Восстановила свои прежние лидерские навыки и обрела очень много новых знаний». «За свою жизнь я встретила со многими людьми, которые





рассказывали мне о своей жизни, делились своими размышлениями. И у меня огромная потребность рассказать (может, как и у многих других) о судьбах человеческих, особенно о женских. Ведь как много знают и пережили женщины, но никто и никогда не узнает об этом и не извлечет для себя урока из их судьбы, если не услышит об этом. И как много выходов из трудных ситуаций можно было узнать из жизни простых, но мудрых женщин. Об этом всем надо писать, пусть даже не владея еще столь уверенно «пером». И я желаю всем моим подругам, приславшим свои работы для сборника, и себе самой вдохновения и возможностей для создания произведений о женщинах и для женщин», – говорит Клара Утепбергенова.



Клара Утепбергенова Нукус шахрида таваллуд топган. Маълумоти бўйича микробиолог. Тўрт фарзанднинг онаси. 1998 йилдан буён жамоат секторида фаолият кўрсатиб келади. «Перзент» нодавлат нотижорат ташкилотида тўрт йил дастурлар мувофиқлаштирувчи бўлиб ишлаган. Унинг айтишича, яхши ҳаёт мактабини ўтаб, аввалги етакчилик кўникмаларини қайта тиклаш ва кўплаб янги билимларни эгаллаш имконига эга бўлган. «Ҳаётим давомида кўп одамлар билан учрашдим, улар менга ўз тақдири ҳақида сўзлаб берди, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Мен (бошқалар сингари) инсонлар, айниқса хотин-қизлар тақдири тўғрисида ёзишни жуда хоҳлайман. Чунки аёллар ҳам ҳаётда кўп нарсани бошдан кечиради. Бироқ бу ҳақида гапирмасак ёки ёзмасак, уларнинг тақдири тўғрисида ҳеч ким, ҳеч қачон билмайди, ўзлари учун сабоқ чиқармайди. Оддий, аммо ақлли аёллар ҳаётидан қийин вазиятлардан қандай чиқиш йўллари ҳақида билиб олиш мумкин. Гарчи ёзиш масаласида устаси фаранг бўлмасак-да, бу ҳақда кўпроқ ёзишимиз лозим. Тўплам учун ўз ишларини юборган барча дугоналарим ва ўзимга хотин-қизлар тўғрисида ҳамда хотин-қизлар учун асарлар яратишда илҳом ва омад тилайман», дейди Клара Утепбергенова.

Галина Глушкова

Галина Глушкова не расстанется с журналистикой никогда. С ней связана вся ее жизнь, ее светлые радости, победы и достижения. Родилась Галина Глушкова в Грозном, но Родиной своей считает Узбекистан. Профессиональный журналист, она



старается раскрыть личность так, чтобы отразить все грани таланта человека. Работала в «Правда Востока», после выхода на пенсию осталась нештатным корреспондентом этой газеты.

Галина Глушкова танлаган касбидан ҳеч қачон воз кечмайди. Унинг бутун ҳаёти, қувончли кунлари, ғалаба ва ютуқлари журналистка билан боғлиқ. Галина Глушкова Грознийда туғилган. Лекин Ўзбекистонни ўз Ватани деб билади. У профессионал журналист сифатида инсон истеъдодининг барча қирраларини очиб беришга интилади. «Правда Востока» газетасида қалам тебратган, нафақага чиққанидан сўнг газетанинг шататсиз муҳибири сифатида фаолият юритмоқда.

Анаханум Идоятова

Анаханум Идоятова уже в возрасте 9 лет решила стать журналистом. «Меня всегда привлекала работа с людьми и для людей. Быть журналистом – значит быть экономистом, политиком, музыкантом, спортсменом и этот список еще можно продолжить. Возможно, именно это привлекало меня в профессии журналиста», – признается Анаханум. Будучи студенткой, начала журналистскую деятельность в



социально – экономической газете «Молодежь Узбекистана», вскоре стала внештатным сотрудником издания. Следующим этапом в ее карьере была телевизионная журналистика. Около полугода проходила практику в информационной программе «АХБОРОТ» на канале UZTV1, далее контракт с информационной программой «ПОЙТАХТ» – должность репортера. В свободное время любит читать. Любимый автор Паоло Коэльо, из классиков Вильям Шекспир.

Анахоним Идоятова 9 ёшида журналист бўлишни кўнглига тугиб қўйган. «Мени одамлар билан ишлаш ва улар учун ишлаш ҳар доим ўзига жалб қилиб келган. Журналист – бу иқтисодчи, сиёсатчи, мусиқачи, спортчи демакдир ва бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Балким, мени айнан мана шу жиҳатлар журналист касбини танлашга ундагандир», дейди Анахоним. У журналистикадаги фаолиятини талабалик пайтида «Молодежь Узбекистана» ижтимоий-иқтисодий газетасидан бошлаган, кейинчалик ушбу нашрнинг штатсиз ходими бўлган. Сўнгра телевидениеда ўзини синаб кўрди. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг биринчи канали «Ахборот» дастурида ярим йил, кейин «Пойтахт» ахборот дастурида мухбир лавозимида ишлади. Бўш пайтларида китоб ўқишни яхши кўради. Севимли муаллифи Паоло Коэльо, мумтоз ёзувчилардан Вильям Шекспирни ёқтиради.

Виктория Гизатуллина

Виктория Гизатуллина рассказывает о себе так: «Люблю учиться. Поэтому постоянно чему-нибудь учусь. Занимаюсь на дополнительных курсах, организованных Русским культурным центром, выиграла по результатам тестирования бесплатное дистанционное обучение в московской школе по программе «Открытая русская школа» (ОРШ). Участвую в Открытой международной олимпиаде школьников по русскому языку «Светозар». В этом году заканчиваю школу. И еще я очень люблю участвовать в различных конкурсах. Раньше участвовала только в литературных конкурсах, а сейчас и в конкурсах по информационно-коммуникационным технологиям».



Виктория Гизатуллина ўзи ҳақида шундай дейди: «Ўз билимимни муттасил ошириб боришни яхши кўрганим. Боис доим бирор нарсани ўрганишга ҳаракат қиламан. Рус миллий маданият маркази томонидан ташкил этилган қўшимча курсларда ўқийман, тест натижаларига кўра «Очиқ рус мактаби» дастури бўйича Москвадаги мактабда масофавий бепул ўқиш йўлланмасини қўлга киритдим. Рус тили бўйича мактаб ўқувчиларининг «Светозар» очиқ халқаро олимпиадаси иштирок этаппман. Шу йил мактабни тамомлайман. Бундан ташқари турли танловларда ҳам қатнашишни ёқтираман. Илгари фақат адабиёт бўйича танловларда иштирок этган бўлсам, ҳозир ахборот-коммуникация технологиялари бўйича танловларда ҳам қатнашяпман».

Наталья Шулепина

Наталья Шулепина по образованию историк, пять лет отдала учительской профессии. Занялась журналистикой в начале восьмидесятых как фоторедактор и фотокорреспондент. Но главным считала для себя слово. В 1985 году – корреспондент Узбекского информационного агентства (УзТАГ-УзА), где проработала более восьми лет в промышленно-экономической редакции. С 1994 года работает в газете «Правда Востока». Награждена медалью «Шухрат». Автор двух книг – «Серный рикошет» и «Несколько сюжетов на фоне маловодья». Призер ряда журналистских конкурсов.





Наталья Шулепинанинг асли касби тарих фани ўқитувчиси, беш йил мактабда ишлаган. Журналисти-кадаги фаолиятини саксонинчи йилларнинг аввалида фотомухаррир ва фотомухбирликдан бошлаган. Бироқ у қалам тебратишни ўзининг асосий иши, деб ҳисоблайди. 1985 йили Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг (ЎзТАГ-ЎЗА) саноат-иқтисодий тахририятига ишга кириб, у ерда саккиз йилдан ортиқ вақт мухбир бўлиб ишлади. 1994 йилдан буён «Правда Востока» газетасида меҳнат қилиб келмоқда. «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. «Олтингугурт учқуни» ва «Сув тақчиллиги ҳақида бир шингил ҳикоя» китоблари муаллифи. Қатор журналистика танловлари ғолиби.

Гульнара Устименко

Гульнара Устименко о себе говорит так: «Люблю жизнь во всех ее проявлениях. Еще люблю писать рассказы и рисовать». Гульнара Устименко сотрудничает с журналом «Bella Terra». Мечтает, чтобы ее внучка Галина тоже стала журналисткой, верит, что мечта эта сбудется, потому что девочка способна и талантлива.

Гульнара Устименко ўзи ҳақида шундай дейди: «Ҳаётни, ундаги мавжуд ғўзалликларни яхши кўраман. Ҳикоялар ёзишни, расм чизишни, яхши кўраман». Гульнара Устименко «Bella Terra» ортиқ вақт давомида штатсиз мухбир. У ўзининг невараси Галинанинг келажакда журналист бўлишини орзу қилади. Ушбу орзунинг амалга оширилишига Гульнара ишонади, сабаби унинг неварасининг бунга истейдоди етарли.



Гульнара Абдуназарова

Гульнаре Абдуназаровой – сорок пять. Родилась в небольшом городке Денау на северо-востоке Сурхандарьи. В восьмидесятые окончила Ташкентский государственный университет и факультет политологии нынешнего Московского института молодежи.

С 2002 года по настоящее время – корреспондент финансово-экономической газеты «Налоговые и таможенные вести». С 2003 года – ведущая раздела «Таможня». В числе увлечений – публицистика, мемуарная литература. Особая слабость к поэзии, в частности «серебряного века». «Люблю романсы и бардовские песни шестидесятников. Благодаря сыну Миразизу, ему летом исполнится шестнадцать лет, стала слушать представителей разных течений рока – “Franz Ferdinand”, “Arctic Monkeys”, “Coldplay”, “Oasis” и “Green Day”. Парадоксально, но нравится!», – говорит о себе Гульнара Абдуназарова.



Гулнора Абдуназарова – 45 ёшда. Сурхондарёнинг шимоли-шарқда жойлашган Денов шаҳрида туғилган. Саксонинчи йилларда Тошкент давлат университети ва ҳозирги Москва ёшлар институтининг сиёсатшунослик факультетини тамомлаган.

2002 йилдан то айна пайтгача «Солиқ ва божхона хабарлари» молия-иқтисод газетасининг муҳбири бўлиб ишлаган, 2003 йилдан буён эса «Божхона» бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда. Публицистика, мемуар адабиёт шайдоси. Айниқса «кумуш аср» шеърятни жону дили. «Оптимистинчи йиллар романтикаси ва қўшиқларини яхши кўраман. Яқинда ўн олти ёшга тўладиган ўғлим Миразиз сабабли турли рок оқимлар вакиллари – “Franz Ferdinand”, “Arctic Monkeys”, “Coldplay”, “Oasis”, “Green Day” каби гуруҳларнинг ашулаларини эшита бошладим. Ажабланарлиси шуки, бундай қўшиқларни тинглаш менга жуда ёқади», дейди Гулнора Абдуназарова.





Гульфия Ягудина

«Все время, кажется, что кто-то пишет лучше, креативней, грамотней, правильней. Потому постоянно ищу новые формы, обороты, иногда даже слова. Я в постоянном поиске. Предпочитаю работать в области визуальной журналистики», – делится редактор отдела информации журнала «Bella Terra» Гульфия Ягудина – человек талантливый и неординарный. К работе всегда подходит творчески, вкладывая в каждую публикацию всю душу.



«Bella Terra» журналининг ахборот бўлими муҳаррири Гулфия Ягудина – истеъдодли ва камтарин инсон. Ўз ишига ижодий ёндашади, ҳар бир мақоласига жон-дилини беради. «Назаримда, кимдир мендан кўра яхшироқ, сифатли, саводли ва қизиқарли ёзади. Шунинг учун ҳар доим янги шакллар, иборалар, баъзида эса янги сўзларни топишга интиламан, бунинг учун доимо изланаман. Визуал журналистика соҳасида ишлашни ёқтираман», – дейди у.

Светлана Вдовина

Светлана Анатольевна Вдовина (псевдоним – Лана Арешина) – поэт, филолог, журналист, дизайнер. Родилась в Казахстане, в Ташкенте живет 25 лет. Окончила факультет русской филологии Ташкентского Государственного университета...

Печаталась в Узбекистане, Израиле, Финляндии и США. В 2002 г. получила специальный журналистский приз ЕА «Сохнут». Участница и лектор журналистских семинаров в Израиле, России, Украине, Грузии, Азербайджане, Казахстане. Является составителем и дизайнером «Антологии ивритской поэзии» – самого полного издания поэтов, писавших на иврите, в переводах на русский язык. Ее переводы также включены в книгу. Автор сборников «Хрустальный ангел», «Взрослые песни», «Без города» и «Хронология». Стихи были напечатаны в сборниках «Слово о матери», «Рассветная звезда», «Обращение к землянам», «60 лет Победы», «Под знаком осени».



Шоир, филолог, журналист ва дизайнер Светлана Анатольевна Вдовина (тахаллуси Лана Арешина) Қозоғистонда туғилган. Тошкентда 25 йилдан буюн яшайди. Тошкент давлат университетининг рус филологияси факультетини тамомлаган. Мақолалари

Ўзбекистон, Исроил, Финляндия ва АҚШ матбуотида чоп этилган. 2002 йили Европа ассоциациясининг (ЕА) журналистика соҳасидаги махсус «Сохнут» мукофотиغا сазовор бўлган. Исроил, Россия, Украина, Грузия, Озарбойжон, Қозоғистонда ўтган журналистлар семинарларида иштирок этган ва маърузалар қилган. У яхудийзабон шоирлар шеърларининг рус тилига таржима қилинган тўлиқ наشري – «Яхудий шеърляти антологияси» тўпламининг тўпловчиси ва дизайнеридир. Унинг таржималари ҳам ушбу китобдан жой олган. «Биллур малак», «Машҳур кўшиқлар», «Шаҳарсиз» ва «Хронология» тўпламлари муаллифи. Шеърлари «Она ҳақида нома», «Тонг юлдузи», «Ерликларга мурожаат», «Ғалабанинг 60 йиллиги», «Куз нишониси» тўпламларида чоп этилган.



Дилбар Бекчанова

Дилбар Бекчанова корреспондент газет «Оила ва жамият», «Соғлом авлод» и «Миллий тикланиш» по Хорезмской области. Окончила факультет журналистики ТашГУ. Главные героини ее очерков, зарисовок и интервью – женщины, живущие в ее родном вилояте. Многим из них публикации Бекчановой помогли поверить в себя, придали сил и желаний бороться за свое счастье. Занималась тележурналистикой, вела на хорезмском телеканале программу «Слово о женщинах».



Дилбар Бекчанова «Оила ва жамият», «Соғлом авлод» ва «Миллий тикланиш» газеталарининг Хоразм вилояти бўйича мухбири. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Очерклари, лавҳалари ва интервьюларининг асосий қаҳрамонлари шу воҳада яшайётган хотин-қизлардир. Дилбар Бекчанова ёзган мақолалар уларнинг кўпчилигига ўзига ишонишга ёрдам беради, ўз бахти учун курашиш ва интилишга куч бағишлайди. Тележурналистика билан шуғулланган, Хоразм телеканалда «Хотин-қизлар ҳақида сўз» дастурига бошловчилик қилган.

Камола Акилова

Камола Акилова окончила кафедру истории и теории изобразительного искусства Ташкентского государственного театрально-художественного института. Вся ее жизнь – это служение искусству, красоте, прекрасному. Сегодня Камола Акилова работает Главным научным секретарем Академии Художеств Узбекистана, она автор монографии «Народное декоративно-прикладное искусство Узбекистана. XX век». Многие годы занимается исследованием истории и теории изобразительного и декоративно-прикладного искусства Узбекистана XX века. Более 70 ее научных работ опубликованы в республиканских и зарубежных изданиях. Мир, в котором живет Камола – это мир



света и ярких красок, полный красоты и гармонии. Не случайно она – организатор международных конференций «Великий Шелковый Путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее» (2006 г.), «Проблемы реставрации историко-культурного наследия в Центрально-азиатском регионе. Основная стратегия развития» (2005 г.).

Камола Акилова Тошкент давлат театр ва санъат институтининг тасвирий санъат назарияси ва тарих кафедраси битирувчиси. Унинг умри гўзаллик, олийлик ва санъатга баҳшида этилган. Айни кунда Камола Акилова Ўзбекистон Мусаввирлик Академиясининг бош илмий котибаси лавозимида фаолият юритмоқда. «Ўзбекистоннинг халқ бадий-хунармандчилиги санъати. XX аср» монографияси унинг қаламига мансуб. Кўп йиллардан бери Камола Ўзбекистоннинг XX асрдаги халқ бадий-хунармандчилиги санъати назарияси ва тарихини ўрганиш

билан шуғулланмоқда. Унинг илмий ишларидан 70-тасидан ортиги республика ва чет эл матбуотида чоп этилган. Камола яшайтган ҳаёт - ёрқин турфа ранглар олами, ушбу ранглар гўзаллик ва мутаносибликка бурканган. Камола бежиз «Буюк Ипак Йўли. Маданият ва урф-одатлар. Утмиш ва замон» (2006 йил), «Марказий Осиё минтақасида тарихий-маданий ёдгорликни тиклаш муаммолари. Тараққиётнинг асосий йўналиши» (2005 йил) каби халқаро анжуманларнинг ташкилотчиси эмас.



Гузаль Комилова

Гузаль Комилова родилась в маленьком городке – Коканде. В детстве мечтала стать адвокатом, но сейчас, как говорит сама, рада, что поворот судьбы дал возможность окунуться в журналистику. На «отлично» закончила экономический институт и столичную Банковско-финансовую Академию. Последние пять лет освещала новости в программе «Ахборот» первого канала Уз ТВ, в настоящее время работает старшим редактором и ведущей в новостной программе «Хабарлар» спортивного канала. Также работает над авторской передачей «Турагент». «История, рассказанная мной, построена на реальных событиях. И хотелось бы, чтобы среди нас было больше таких, не пасующих перед трудностями, добивающихся целей и карьерных высот женщин, как моя героиня», – говорит Гузаль Комилова.




Гўзал Комилова Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Болалигида адвокат бўлишни орзу қилган. Бироқ ҳозир, унинг айтишича, тақдир тақозоси билан журналистика билан шуғулланётганидан жуда хурсанд. Иқтисодиёт институти ва Банкомолия академиясини «аъло» баҳолар билан тамомлаган. Кейинги беш йил давомида Ўзтелерадиокомпания биринчи каналининг «Ахборот» дастурида янгиликларни ёритди. Айни пайтда катта муҳаррир ва спорт каналида «Хабарлар» дастури бошловчиси бўлиб ишламоқда. Бундан ташқари «Турагент» муаллифлик кўрсатуви устида ишламоқда. «Менинг ҳикоям реал воқеаларга асосланган. Орамизда менинг қаҳрамоним сингари қийинчиликлардан чўчимайдиган, ўз мақсад чўққилари ва мавқега эришиш йўлида тинимсиз ҳаракат қиладиган хотин-қизлар кўп бўлишини истайман», дейди Гўзал Комилова.

Материалы, вошедшие в сборник, были опубликованы в республиканских и региональных СМИ Узбекистана, а также были подготовлены специально для участия в конкурсе



ДЛЯ ЗАМЕТОК





Героини, о которых рассказывается
в книге, это сильные и
целеустремленные личности, мудрые и
талантливые, несущие добро и свет,
женщины, живущие рядом с нами.
Авторы работ – наши современницы,
работающие в республиканских и
региональных СМИ, живущие в разных
уголках Узбекистана. Гендерная
тематика является основной в их
творчестве, многими из них
опубликованы серии материалов,
направленных на повышение
гендерной осведомленности и
улучшение образа женщины в
современном Узбекистане.

